

Соғлом бола учун соғлом ота ва она танлаш

05:00 / 15.02.2017 4107

Шариат таълимотлари бўйича ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари оила қуришдан аввал, умр йўлдошини танлаш пайтида бошланади. Ҳар бир шахс ўзининг бўлажак фарзанди учун муносиб ота ва она танлаш мажбуриятидадир.

أَوْحِكُنْ أَوْ، مُكْفَطُنْ لِ أَوْرِيَّ حَتَّ «لِ لُؤْسَرِّ لَاقِ: تَلَّاقِ أَوْ نَعُ لُ لَّيْ ضَرَّ عَ شَائِعِ نَعُ
عَ: جَامُ نُبْ أَوْرِ. «مُؤَيِّ لِّ أَوْحِكُنْ أَوْ، عَافِكُنْ أَلِ»

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Уруғларингизга ихтиёрни яхши қилинг. Никоҳингизга тенгни топинг ва уларга никоҳланинг».

Ибн Можа ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бўлажак ота ва оналарга мурожаат қилиб, ўзларининг бўлажак фарзандларига муносиб ота ва муносиб она танлашга амр қилмоқдалар. Бундан мусулмон инсон оила қураётганда фақат ўзининг фойдасини ўйламасдан, бўлажак фарзандини ҳам ўйлаши, унга муносиб ота ёки она танлаши кераклиги келиб чиқади. Ҳар бир инсон оила қуриш чоғида ўзидан ва жуфти ҳалолдан дунёга келадиган фарзанднинг ғамини емоғи лозим бўлади. Чунки ота-онанинг сифатлари ва хусусиятлари ирсият йўли билан болага ўтиши бор. Шунинг учун болага ҳам маънавий, ҳам жисмоний тарафдан етук ота ва она танлаш керак бўлади. Токи фарзанд эсини таниганида отаси ва онаси билан, уларнинг ҳар тарафлама етук сифатлари билан фахрланиб юрадиган бўлсин.

Боланинг соғлом бўлиши ҳақида қайғуриш борасида сўз кетганда, бўлажак ота-оналарнинг никоҳланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари ҳам шариат рухсат берган нарсалардан эканини эслаб ўтмоғимиз керак.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Соғлом бола” китобидан.